

REQUIREMENTS FOR LINGUISTIC CLASSIFICATION OF BUSINESS TERMS

Ulmas Saidov Rakhmatovich
Chirchik State Pedagogical University

ABSTRACT

The incomparable development of science and technology and culture, the growing socio-political relations cause positive changes in the system of business terms of the Uzbek language, at the same time, it clearly shows the importance of the terms of this field and the issue of clarifying their place in corpus linguistics.

It is the most appropriate way to select the appropriate terms from the existing or emerging terms in terminological systems, to scientifically justify new terms that are recommended as terms or to be replaced by existing terms. The need to create perfect documentation in the Uzbek language, demarcate its terms, and semantically tag the terms in the linguistic corpus is an urgent issue today.

Keywords: corpus, corpus linguistics, linguistic marking, meta-marking, semantic tagging, Uzbek computer linguistics, term, terminology, linguistic system, lexicographic support, linguistic support.

ИШ ЮРИТИШ АТАМАЛАРИНИ ЛИНГВИСТИК РАЗМЕТКАЛАШ ТАЛАБЛАРИ

Ўлмас Саидов Рахматович
Чирчиқ давлат педагогика университети

АННОТАЦИЯ

Фан-техника ва маданиятнинг беқиёс ривож топиши, ижтимоий-сиёсий алоқаларнинг тобора ўсиб бориши ўзбек тили иш юритиш терминлари тизимида ҳам ижобий ўзгаришлар бўлишига сабаб бўлади, айти пайтда, бу соҳа терминларининг аҳамияти ва корпус лингвистикасидаги ўрнини аниқлаштириш масаласини яққол намоён этади. Терминологик тизимларда мавжуд бўлган ёки юзага келаётган атамалардан мосини танлаб олиш, термин сифатида тавсия этилаётган ёки мавжуд термин ўрнига алмаштирилаётган янги терминларни илмий асослаш энг мақбул йўл ҳисобланади. Ўзбек тилида мукамал ҳужжатчиликни яратиш, унинг атамаларини чегаралаб олиш, терминларнинг лингвистик корпусда семантик теглаш эҳтиёжи бугунги куннинг долзарб масаласидир.

Калит сўзлар: корпус, корпус лингвистикаси, лингвистик разметка, метаразметка, семантик теглаш, ўзбек компьютер лингвистикаси, термин, терминосистема, лисоний тизим, лексикографик таъминот, лингвистик таъминот.

Ўзбек компьютер лингвистикаси нисбатан ёш соҳа бўлса-да, бу борада салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Ўзбек тили миллий корпусининг илк куртаги – таълимий корпус ишга туширилди.

Ўзбек тилшунослигида компьютер лингвистикаси, матнга лексикографик ишлов бериш борасида М.Маҳмудов, М.Айимбетов, С.Каримов, Г.Жуманазарова, А.Бабанаров, Д.Ўринбоева, А.Норов, С.Муҳаммедов, Н.Абдурахмоноваларнинг тадқиқотлари мавжуд.

Шунингдек, ҳаракат феъллари асосида компьютер дастурлари учун лингвистик таъмин яратиш, ўзбек-инглиз тили машина таржимасининг лингвистик таъминоти, ўзбек тили муаллифлик корпусини тузиш тамойиллари, ўзбек тилидаги матнларни таҳрир ва таҳлил қилувчи дастурнинг лингвистик модуллари, тил корпуси лингвистик базасини тузиш тамойиллари, ўзбек тили атов бирликларини семантик теглашнинг лингвистик асослари, ўзбек тили таълимий корпусини тузишнинг лингвистик асослари, ўзбек миллий корпусида идиомалар базасини яратиш монографик планда ўрганилган. Шу билан бирга, ўзбек-инглиз параллел корпуси тузиш муаммолари, ўзбек тилидаги отларни автоматик таҳлил қилиш, сўз ясалишининг формал моделлари, корпус лингвистикасида полисемия ҳақида қатор мақолалар нашр этилган. Ўзбек тилида автоматик морфологик таҳлилни айрим масалалари ёритилган ишлар мавжуд. Ш.Хамроева томонидан ўзбек тили морфоанализатори ва унинг лингвистик таъминотини яратиш масаласи тадқиқот объекти сифатида ўрганилган бўлса, Ш.Гулямова эса ўзбек тили семантик анализаторининг лингвистик асосларини тадқиқ этган. Д.Ахмедованинг тадқиқотида эса луғатшунослик маҳсулотларининг тил корпусини семантик теглаш учун лингвистик таъминот вазифасини бажариши исботланган

Ўзбек тили таълимий корпуслари учун ИЮТларини семантик теглаш, уларнинг маълумотлар омборини яратиш, лексикографик маҳсулотларни танлаш масалалари ҳам долзарблик касб этмоқда. Бунинг учун қуйидаги вазифаларни белгилаб олиш керак:

1. Иш юритиш терминлари маълумотлар омборини яратиш.
2. Таълимий корпусда иш юритиш терминлари қидирувини ишлаб чиқиш.

Маълумотлар омборини тузишда дастлаб унинг структураси, таркиби аниқланиши лозим. Ўзбек тили таълимий корпуси учун ИЮТларининг маълумотлар базасининг тузилиши қуйидагича бўлиши мақсадга мувофиқ:

1-жадвал



Ўзбек тили миллий корпусида иш юритиш терминлари маълумотлар базаси сўзлиги ўзбек тилининг изоҳли луғати (2 жилдли ва 5 жилдли) асосида шакллантирилади.

Ўзбек тили миллий корпусида иш юритиш терминари маълумотлар базасининг лексикографик таъминоти маълумотлар базасига маълумотларни киритиш учун асос бўлади.

Ўзбек тили миллий корпусида иш юритиш терминари маълумотлар базасининг лингвистик таъминоти маълумотлар омборида сўзларнинг изоҳини келтириш бўйича қоидалар тўпламини ташкил қилади.

Ўзбек тили иш юритиш терминари маълумотлар омборига қуйидаги кўринишда киритилиши мумкин:

2-жадвал

№	ИЮТ	Махсус помета	Семантик гуруҳ	Изоҳ
1	АЙБДОР	Турдош от	Шахс оти	АЙБДОР от, ҳуқ. Жиноий иш қилган, қонунга хилоф иш қилган, жиноий жавобгар киши. Навбатчи милиционер айбдорни олиб чиқиб кетди. Ҳ.Ғулом, Машъал. Айбдор ва лоқайд раҳбарларга нисбатан мурасасизлик қилиб келинган. Газетадан.
2	БИЛДИРИШНО МА	турдош от	нарсa номи	Юқори органлар ёки мансабдор шахсга бирор маълумотни етказиш лозим бўлганда тақдим этиладиган муфассал ёзма ахборот. Кимга йўлланганига қараб, билдиришнома ички ва ташқи турларга бўлинади. «Иш юритиш».

Лексик-семантик теглар таксономия, мереология, топология, каузация, баҳо гуруҳлари бўйича аниқланади.

ИЮТ маълумотлар базасини яратишда сўзлик, семантик изоҳ ва семантик теглар талаб этилади.

ЎТИЛда берилган ИЮТга эътибор қаратсак:

АВИЗО [итал. *awiso* < лот. *avis* — қуш] Банк, тижорат амалиётида ҳисоб-китоб муомалаларининг бажарилганлиги тўғрисида бир ахдлашувчи томоннинг иккинчисига юборадиган расмий хабарномаси.

АКТ [лот. *actus; actum* — амал, ҳаракат; ҳужжат, қарор] 1 Бирон-бир содир этилган иш, хатти-ҳаракат ёки бўлиб ўтган воқеа, ҳодиса. *Террористик акт.*

2 Муассаса ёки айрим шахс (шахслар)га оид хатти-ҳаракат (воқеа, ҳодиса) ёки ҳолатни тасдиқлаш, гувоҳдик асосида қайд этувчи, бирдан ортиқ киши томонидан тузилган ҳужжат; далолатнома.

3 ҳуқ. Юридик аҳамиятга эга қарор ёки ҳужжат. *Бирдан фойдаланиш ҳақидаги акт.*

4 Драматик асар ёки театр томошасининг тугалланган қисми; парда.

АРЗ I [а. — баён, изҳор; тақдим этиш] Дард-ҳасрат, шикоят тарзидаги (асосан оғзаки) гап, мурожаат. *Чол бу бегона йигитнинг вазиятида тараддудланиш сезиб, кайтадан сўради: — Ҳўш, ўғлим, нима арзинг бор?* Ойбек, Танланган асарлар. *Подшойим, бизлар сизга арзга келдик.* “Равшан”.

Арзи ҳол ёки арзи бандачилик Ўз аҳволи ҳақидаги оғзаки баён; дард-ҳасрат; ўтинчли илтимос. *Мен минарман энди аста қушимга, Арзи ҳолим айтдим денгу дўшимга.* “Маликаи айёр”. “Қуш тилини қуш билади” деганларидек, *Нодиранинг самимий арзи бандачилиги Моҳлар ойим билан Нигор келиннинг юракларини эзди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. **Арз қилмоқ** 1) билганини, ўйлаганини ёки дард-ҳасратини оғзаки айтмоқ, баён қилмоқ; ўтинчли илтимос билан мурожаат қилмоқ. – *Мен хонни Тошкентдан жўнатиш олдида унинг холи вақтини топиб, бу фикримни бир даража арз қилиб ўтган эдим, – деди [қушбеги].* А. Қодирий, Ўтган кунлар; 2) шикоят қилмоқ. *[Ғофир бой ва қозиларга:] Ҳой, бўрилар! Сўзларингдан қайт! Бўлмаса, ҳокимингга бормайман, мингбошингга ялинмайман, халққа арз қиламан, халққа!* Ҳамза, Бой ила хизматчи. **Арз сўрамоқ** эск. Илтимос ёки шикоят билан келганларга, уларни эшитиб, тегишли жавоб-муомала қилмоқ. *Арк – қадим Хоразм шоҳларининг арз сўрайдиган жойи.* Ж. Шарипов, Хоразм.

Кўриняптики, луғатдаги ИЮТ изоҳида махсус кўрсатма, ҳавола ва пометалар мавжуд эмас. Шу сабабли ахборот маълумотлар базасида қўлда ишлов берилиши керак. Маълумотлар омборида ушбу терминларнинг семантик тегланиши қуйидаги кўринишда бўлиши мумкин:

3-жадвал

№	ИЮТ	Помета	Семантик тег	Изоҳ
1	АВИЗО	Одамнинг фаолияти билан боғлиқ	Нарса	Банк, тижорат амалиётида ҳисоб-китоб муомалаларининг бажарилганлиги тўғрисида бир ахдлашувчи томоннинг иккинчисига юборадиган расмий хабарномаси.
2	АКТ	Бирдан ортиқ киши томонидан тузилган ҳужжат	Нарса	1 Бирон-бир содир этилган иш, хатти-ҳаракат ёки бўлиб ўтган воқеа, ҳодиса. <i>Террористик акт.</i> 2 Муассаса ёки айрим шахс (шахслар)га оид хатти-ҳаракат (воқеа, ҳодиса) ёки ҳолатни тасдиқлаш, гувоҳдик асосида қайд этувчи, бирдан ортиқ киши томонидан тузилган ҳужжат; далолатнома. 3 ҳуқ. Юридик аҳамиятга эга қарор ёки ҳужжат. <i>Ердан фойдаланиш ҳақидаги акт.</i> 4 Драматик асар ёки театр томошаси-нинг тугалланган қисми; парда
3	АРЗ	Одамнинг нутқий фаолияти билан боғлиқ	Ҳаракат	АРЗ – дард-ҳасрат, шикоят тарзидаги (асосан оғзаки) мурожаат. <i>Чол бу бегона йигитнинг вазиятида тараддудланиш сезиб, кайтадан сўради:</i> – <i>Хўш, ўғлим, нима арзинг бор?</i> Ойбек, Танланган асарлар. <i>Подшойим, бизлар сизга арзга келдик.</i> Равшан.

Ўзбек тили ИЮТларини семантик теглаш жараёнида муаммолар келиб чиқиши табиий. Чунки ўзбек тилидаги аксар сўзлар кўп маъноли, омоним бўлиб, бу семантик разметка тизимида кўп маънолилиқ, омонимликни бартараф этиш учун мукамал филтёрлар ишлаб чиқишни тақозо этади. Буни тадқиқотчи Ш.Гулямова кўп маъноли, омоним ва полифункционал сўзларни бартараф этиш бўйича ишлаб чиққан тавсияси асосида

семантик теглаш мақсадга мувофиқ. Бунинг учун даставвал уларнинг ҳар бири алоҳида разметкаланиб, сўзлар орасидаги кўп маънолилиқ, омонимлик ва полифункционаллик филтър билан ва у орқали яратиладиган лингвистик модел орқали фарқланади. Англашиладики, ўзбек тилидаги иш юритиш терминларини корпусда семантик теглаш масаласи алоҳида тадқиқот сифатида кенг ўрганилиши лозим.

ХУЛОСА

1. ИЮТ семантик маълумотлар базасини яратишда сўзлик, семантик изоҳ ва семантик теглар талаб этилади. Маълумотлар омборига киритиладиган ахборотлар сўз, изоҳ, иш юритиш термини эканлиги ҳақидаги белги, семантик тег, этимологияси, терминнинг туркумга мансублиги каби параметрлардан ташкил топади.
2. Ўзбек тили миллий корпуси учун ИЮТ базаси иш юритиш терминлари (1), лексикографик таъминот (2) ва лингвистик таъминот (3) каби таркибий қисмлардан таркиб топиши мақсадга мувофиқ.
3. Ўзбек тили изоҳли луғатлардаги ИЮТ изоҳида махсус кўрсатма, ҳавола ва пометалар мавжуд эмаслигини инобатга олиб, ахборот маълумотлар базасида қўлда ишлов берилиши керак. Шундагина маълумотлар базаси мукамал бўлади ва уларни семантик разметкалаш муаммоси қисман ҳал этилади.

REFERENCES

1. Ҳамроева Ш. Ўзбек тили морфологик анализаторининг лингвистик таъминоти. Филология фан. д-ри. дисс. ав-ти. – Фарғона, 2021. – 76 б.; Гулямова Ш. Ўзбек тили семантик анализаторининг лингвистик асослари: Филол.фан.доктори (DSc) диссертацияси. – Фарғона, 2022. – 281 б.
2. Ахмедова Д.Б. Атов бирликларини ўзбек тили корпуслари учун лексик-семантик теглашнинг лингвистик асос ва моделлари: Филол. фан. Бўйича фал. доктори (PhD) диссертацияси. – Бухоро, 2020. – 247 б.
3. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 2 жилдли. – Москва, 1981.
4. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006. 1-жилд. – 680 б.
5. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006. 2-жилд. – 671 б.
6. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006. 3-жилд. – 688 б.
7. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2007. 4-жилд. – 608 б.
8. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2007. 5-жилд. – 592 б.
9. Гулямова Ш. Ўзбек тили семантик анализаторининг лингвистик асослари: Филол.фан.доктори (DSc) диссертацияси. – Фарғона, 2022. – 281 б.
10. <http://uzschoolcorpara.uz>